

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил 16 октябрь куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, “Фарход МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Сайфуллаевнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси В.Лукашенко, гумонланувчи ХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Д.Рўзметов, жабрланувчи ХХХнинг иштирокида, ХХХга нисбатан 0000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХ, 0000 йил 00 февраль куни ХХХ вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, ХХХ вилояти, ХХХ тумани, “ХХХ” МФЙ, “ХХХ” кўчаси 00-уйда истиқомат қилади

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган;

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, уларнинг аризалари ва жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХ 0000 йил 00 сентябрь куни ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, ўзи вақтинча ишлаб келаётган, яъни Учтепа тумани, 00-мавзе, 00-уй, 00-хонадонда бўла туриб, шу ерда яшовчи ХХХга тегишли бўлган 100 АҚШ доллари, бир дона сариқ рангли металлдан ишланган аёллар узуги ва бир дона сариқ рангли металлдан ишланган аёллар билакузугини, ХХХ уйда йўқлигидан фойдаланиб, яширин равишда олиб, воқеа жойидан яширинган.

Терговчининг қарорига кўра ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган.

Дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи ХХХ ҳамда гумон қилинувчи ХХХ ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, гумон қилинувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, гумон қилинувчи эса ўз айбига тўлиқ иқроп эканлигини, улар ўзаро ярашганликларини билдириб, ХХХни жинойий жавобгарликдан озод этишни сўраб ўтганлар.

Гумон қилинувчи ХХХ суд мажлисида, ярашиш тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп бўлиб, у ҳақиқатдан ҳам



0000 йил 00 сентябрь куни, ўзи вақтинча ишлаб келаётган, яъни Учтепа тумани, 00-мавзе, 00-уй, 00-хонадонда яшовчи ХХХга тегишли бўлган 100 АҚШ доллари, бир дона сариқ рангли металлдан ишланган аёллар узуги ва бир дона сариқ рангли металлдан ишланган аёллар билакузуги ни ўғирлаб олганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишини оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи ХХХни унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олганларини, ушбу ярашув бирон-бир тазйиқсиз амалга оширилганини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи ХХХ суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, у ҳақиқатдан ҳам 0000 йил 00 сентябрь куни, ўзига тегишли бўлган 100 АҚШ доллари, бир дона сариқ рангли металлдан ишланган аёллар узуги ва бир дона сариқ рангли металлдан ишланган аёллар билакузугини ўғирлатиб қўйганлигини, ҳозирда гумон қилинувчи ХХХ томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, ХХХга оид жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи ХХХ ҳамда гумон қилинувчи ХХХнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси В.Лукашенко ҳамда адвокат Д.Рўзметовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, гумон қилинувчи ХХХнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи, гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, ХХХга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган ХХХга нисбатан юритилган 0000-сонли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-модда талаблари, яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон ўн кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Каримов

Ажрим аслига тўғри.

